



Ҳаётнинг қизиқлиги муаммоларнинг борлигида. Инсон уларга ечим ахтариб яшайди, холос

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлгуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз.



Санъат миллатларни бирлаштиради

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар мактабиди Тожикистон Республикаси Президенти аппарати ҳузурдаги давлат симфоник оркестри томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Вилоят ҳокимлиги, Тожикистон Республикаси маданият вазири ҳамда Турон фанлар академияси Самарқанд филиали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда иштирок этган санъаткорлар орасида халқаро танловлар ғолиблари Ҳасан Ҳайдар, Парвин Юсуфи, Ҳўжастон Мирзавали ва бошқа таниқли хонанда, созандалар бор.

Санъат миллатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайдиган воситалардан бири, дейди Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасан Ҳайдар. - Бугун биз жамоамиз билан Ўзбекистонда, айнан Самарқандда концерт дастури намойиш этаётганимиздан мамнунмиз. Самарқандликлар бизни кутганимиздан ҳам аъло даражада, олқишлар билан қарши олди.

Тожикистонлик санъаткорлар иштирокидаги тадбир Самарқанд иختисослаштирилган санъат мактабиди ҳам бўлиб ўтди.

Ситора РУСТАМОВА.



Муносабат

Тиббиёт бир неча босқич юқорилади

Бу йил тиббиёт ходимлари кунига бағишланган байрам тадбирлари Самарқанд шаҳрида ўтказилиши барчамизга гурур бағишлади. Бошқа вилоятлардан келган ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг фаолияти билан танишиб, барча ҳудудларда соҳага бир хил эътибор қаратилаётганига, жиддий ўзгаришлар содир бўлганига яна бир қарра амин бўлдик. Тиббиёт қисқа муддатда бир неча босқич юқорилаганини ҳис қилдик.

Биргина ўзим фаолият кўрсатадиган Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида кейинги беш йил давомидаги ўзгаришлар ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин. Қарийб ўттиз йилдики, шу соҳада фаолият кўрсатаман. Бир пайтлар беморларни дори-дармон билан қамраб олиш даражаси жуда паст бўлиб, баъзи реактивларни ўзимиз ҳам қидириб тополмасдик. Микроскоплар ҳам жуда оддий бўлиб, касалликни тўлақонли ташхислаш учун етарли эмасди. Кўплаб ташхислар ва ҳатто онкологияни даволашдаги муҳим муолажалар учун ҳам беморлар Тошкентга боришига тўғри келарди. Ажратилган энг замонавий ускуналар тўғрисида эндиликда шу ернинг ўзида ҳам беморларни тўлақонли даволаш имконияти пайдо бўлди. Қолаверса, ушбу ускуналар тўғрисида касаллик табиати аниқлаш



мумкин бўлиб, беморларга касалданган Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида кейинги беш йил давомидаги ўзгаришлар ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин. Қарийб ўттиз йилдики, шу соҳада фаолият кўрсатаман. Бир пайтлар беморларни дори-дармон билан қамраб олиш даражаси жуда паст бўлиб, баъзи реактивларни ўзимиз ҳам қидириб тополмасдик. Микроскоплар ҳам жуда оддий бўлиб, касалликни тўлақонли ташхислаш учун етарли эмасди. Кўплаб ташхислар ва ҳатто онкологияни даволашдаги муҳим муолажалар учун ҳам беморлар Тошкентга боришига тўғри келарди. Ажратилган энг замонавий ускуналар тўғрисида эндиликда шу ернинг ўзида ҳам беморларни тўлақонли даволаш имконияти пайдо бўлди. Қолаверса, ушбу ускуналар тўғрисида касаллик табиати аниқлаш

Шунингдек, касалликни эрта босқичларда аниқлаш ҳам давлатимиз томонидан алоҳида эътиборга олинган бўлиб, бу бўйича ҳамкасбларимиз билан вилоятнинг барча туманларида текширувлар олиб бораётиб, бундай шарт-шароитлар биз, шифокорларни ўз устимизда кўпроқ ишлаб, аҳоли саломатлигини таъминлашга янада кўпроқ ҳисса қўшишга ундайди.

Феруз АЛЛАЗОВ,
Республика
иختисослаштирилган
онкология ва радиология
илмий-амалий тиббиёт
маркази Самарқанд филиали
патоморфология бўлими
муdiri, "Дўстлик" ордени
соҳиб.

"Метан-заправка"ларда чеклов

ўрнатилди

Ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳаво ҳароратининг совиб кетиши сабабли аҳоли, ижтимоий соҳа объектларида табиий газ тақчиллигининг олдини олиш мақсадида автомобилларга сиқилган газ тўлдирish шохобчаларининг ишлаш вақтига соатбай чекловлар жорий этилди.

Табиий газ истеъмоли ортishi муносабати билан жорий йилнинг 9 ноябрдан бошлаб Ўзбекистондаги барча газ қуйиш шохобчалари Энергетика вазирилик ҳамда вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган ҳадвалга асосан махсус иш тартибига ўтказилди, дейди "Худудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиали директори Ансор Мухаммадиев. - Ҳозирда вилоятимизда фаолият юритиб келаётган 104 та

"метан-заправка" турли ҳудудларда жойлашган 22 та табиий газ тақсимлаш шохобчалари орқали табиий газ билан таъминланмоқда. Шохобчаларда чекловларга соат 15:00 дан кеч 23:00 гача амал қилинган.

Самарқанд шаҳрида жойлашган 18 та газ қуйиш шохобчаси Шимол, Оқдарё-2 ҳамда Самарқанд-1 газ тақсимлаш станциялари орқали таъминланаётган бўлса, Оқдарё туманидаги 8 та шохобча Янгиқўрғон-2 станциясига уланган. "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти жорий этилаётган чоралар вақтинчалик бўлиб, муносиб шарт-шароит пайдо бўлиши билан барча газ қуйиш шохобчалари оdatдаги иш тартибига қайтишини маълум қилган.

Дилмурод ТҲУТАЕВ.



Вилоят ҳокими сайёр қабул ўтказди

Вилоят ҳокими Э.Турдимов 19 ноябрь кунини соат 08.00 дан бошлаб Самарқанд давлат университети спорт фаолияти ва санъат факультети спорт залида вилоят аҳолиси учун сайёр қабул ўтказди.

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Даҳбед кўчаси, 18-уй (мўлжал: Ибн Сино ва Даҳбед кўчалари кесилмаси, Hilton Garden INN Samarkand меҳмонхонаси рўпарасида).

Ҳурматли тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари!

Ишбилармонлик фаолиятингиз давомида қийинчиликларга дуч келяпсизми? Сизда ечими топилаётган муаммо ва масалалар борми?

Унда Сизни вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг 2022 йил 18 ноябрь кунини соат 09:00 дан бошлаб Самарқанд шаҳридаги Ёшлар маркази биносидида ўтказиладиган тадбиркорлар билан учрашувига таклиф қиламиз!

Учрашувда иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари 17 ноябрь кунини соат 14:00га қадар Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ёхуд (99)576-51-14 рақамли телеграм мессенжери орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(78) 210-11-01, (91) 532-01-02, (93) 992 87 27.

Самарқандда қурилиш ишлари кўлами кенгайди

15 ноябрь кунини халқ депутатлари вилоят Кенгашининг етмиш олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарди. Дастлаб Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 8 ноябрдаги "Маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича белгиланган лойиҳалар ижросини назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 октябрда қабул қилинган "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда маъзур қарор ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳокимининг 4 ноябрдаги қарори билан вилоятда 585 маҳаллада 588 та лойиҳа амалга оширилди.

Бу лойиҳаларнинг 296 таси ички йўллар, 189 таси ичимлик суви ва оқова сув таъминоти, 51 таси электр энергияси ва 5 таси газ таъминоти билан боғлиқ.

Маҳаллаларда бу ишларнинг амалга оширилиши республика ва вилоят даражасида масъуллар томонидан назорат қилиниб, мувофиқлаштириб борилади.

Хусусан, Олий Мажлис Сенатидан палатанинг ахборот сиёсати ва давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Боқиев вилоятга масъул этиб белгиланган.

Сессияда Ф.Боқиев иштирок этди ва белгиланган вазифаларни амалга оширишда мутасадди ташкилотлар ҳамда депутатлар масъулияти ҳақида сўз юритди.

Шундан сўнг Вазирилар Маҳкамасининг 2022 йил 2 ноябрдаги "Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан вилоят аҳолиси турмуш шароитини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари, ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда модернизация қилиш объектларига бош лойиҳачи ташкилотлар ва бош пудратчи ташкилотларни тасдиқлаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Депутатлар лойиҳа ва пудратчи ташкилотларни тасдиқлаш билан бирга, белгиланган ишларни ҳалол-пок, давлатнинг пулига хиёнат қилмай бажариш юзасидан фикрларини билдирди.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ажратилган республика бюджетиди маблағларининг 2022 йилда иқтисод қилинган қисмини вилоятда ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тўғрисидаги, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйиш бўйича мулкдорлар билан очик муҳокама ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги, 2022 йил III чорак якуналари бўйича вилоят ҳокими ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги натижаларини тасдиқлаш ҳақидаги, вилоятдаги айрим номсиз аҳоли пунктларини номлаш тўғрисидаги, вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил харажатларини мақбуллаштириш ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланишга доир ва бошқа бир қатор масалалар тасдиқланди.

Ушбу масалаларни тасдиқлаш жараёнида вилоят ҳокими Э.Турдимов кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда кўп муҳокама бўлаётган Самарқанд шаҳри кўчаларидаги тирбандликлар, Амир Темури кўчаси реконструкцияси бўйича фикрларини билдирди.

Амир Темури кўчасини реконструкция қилиш учун халқаро даражада танлов ўтказилди ва ҳозирда бу ишларни амалга оширадиган лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар аниқланди, - деди Э.Турдимов. - Йил якунига қадар кўчада ишлаб бошланади. Шунингдек, Гагарин кўчасида - Рудакий ва Мирзо Улугбек кўчалари билан кесишган чорраҳаларда иккита туннель, шу йўлнинг Қорасув массивигача бўлган қисмида - темирйўл ва Сибь ариғи устида иккита кўприк қурилади. Бу ишлар ҳам халқаро стандартлар бўйича, хориждан мутахассислар жалб этилган ҳолда бажарилади.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, учинчи сектор раҳбари Р.Маматов давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни ку-

чайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси юзасидан ҳисобот берди.

Қайд этилишича, жорий йилда давлат дастурлари асосида вилоят учинчи сектори ҳудудидида 43 та объектни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган бўлиб, 1 ноябрь ҳолатида 33 та объектда ишлар якунланиб, фойдаланишга топширилган. 4 та объект йилдан йилга ўтади, 6 та объект эса 1 декабрга қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Ушбу объектларни қуриш учун 6 та буюртмачи ташкилот белгиланиб, 213 миллиард 375 миллион сўм маблағ ажратилган.

Сектор ҳудудий ишчи гуруҳи ҳамда ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қурилиш ишлари бориши ўрганилганда, Ургут тумани Мерганча маҳалласи ҳудудидидаги "Янги Ўзбекистон" массивида янги мактаб қурилишида, Самарқанд тумани Гулубод қўрғонидида Президент таълим муассасалари тизимидидаги иختисослаштирилган мактаб қурилиши ва жиҳозланишида, Нуробод тумани Саройқўрғон қишлоғидидаги 39-мактаб филиали қурилиши жараёнида камчиликларга йўл қўйилгани аниқланиб, улар бартараф этилди.

Сессияда вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобилов Вазирилар Маҳкамасининг 2022 йил 28 апрелдаги "2022-2026 йилларда Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "йўл харитаси"да белгиланган туризм, маданият, маданий мерос йўналиши бўйича топшириқларнинг ижроси бўйича ҳисобот берди.

Самарқанд халқаро туристик маркази қурилиши, Самарқанд халқаро аэропорти, Имом Бухорий мажмуасининг янгидан бунёд этилиши, яратилган қулайликлар тўғрисида вилоятда туризмни жадал ривожлантириш имкониятлари тўғрисида.

Ҳозирда Самарқанд халқаро аэропорти орқали ҳар ҳафта Москва шаҳрига 15 та, Истанбулга 6 та, Краснодар ва Екатеринбург шаҳарларига 5 тадан, Сочи ва Олма-Ота шаҳарларига 4 тадан, Санкт-Петербург ва Красноярск шаҳарларига 3 тадан, Дубайга 2 та ва бошқа авиақатновлар амалга оширилмоқда, - деди Р.Қобилов. - Йил бошидан бунга 4248 ўринли 32 та янги меҳмонхона очилди ва меҳмонхоналар сони 154 тага етиб, бир вақтнинг ўзида 10733 нафар сайёҳни қабул қилиш имконияти яратилди. Йил якунига қадар яна 310 ўринли 5 та меҳмонхона фойдаланишга топширилди. 2022 йил ноябрь ойига қадар вилоятда 114 давлатдан 613 минг нафар хорижий турист келди. Айни пайтда сайёҳларнинг вилоятда ўртача қолиши 2,6 кунни ташкил қилмоқда. Бу муддатни беш кунга етказиш учун туристик маршрут ишлаб чиқириб, амалга оширилмоқда.

Сессияда давлат бюджетига ва маҳаллий бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичларининг III чорак якуни бўйича ижроси тўғрисида вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи Б.Мирзаевнинг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланишича, ҳисобот даврида даромадлар режаси 3 триллион 10 миллиард сўм этиб (113 фоиз) бажарилди. Маҳаллий бюджетнинг харажатлар қисми эса 99,7 фоизга ижро этилиб, 5 триллион 497 миллиард сўмлик харажатлар амалга оширилди.

9 ойда 38,2 миллиард сўм қўшимча даромад манбалари аниқланган. Жумладан, 2726 корхонада 8594 нафар норасмий ишлаб келаётган ишчи-хизматчилар белгиланган тартибда расмийлаштирилди.

Шунингдек, йилнинг олти ойида 6115 та юридик ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган бўлсада, дастлабки таҳлил жараёнида 5195 таси солиқ тўламасдан келаётганлиги аниқланди. Урганишлар натижасида 2358 та субъектдан 1659 таси фаолият кўрсатаётгани ҳамда 3636 нафар ходим норасмий ишлаётган маълум бўлди.

Б.Мирзаевнинг қайд этилишича, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳолати ўрганилганда туманлардаги таълим ва тиббиёт муассасаларида ойлик ва устамалари нотўғри ҳисоблаш, қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланган. Бундай ҳолатларга йўл қўйган ходимларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар қўрилган.

Сессияда халқ таълими тизимини 2022 йилда ривожлантириш бўйича вилоят дастури ижроси юзасидан вилоят педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази раҳбари А.Ибрагимовнинг ҳисоботи эшитилиб, маъзур муассаса фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича депутатлар томонидан таклифлар билдирилди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

➤ Президент қарорига кўра

Разряд ва унвонга эга, тўрт йўналишда голиб бўлган спортчилар спорт йўналишида ўқийди

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 ноябрдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларида:

- "Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)" бакалаврият таълим йўналишига камидан иккинчи спорт разрядига эга бўлганлар;
- "Спорт турининг алоҳида йўналишлари" магистратура мутахассислигига эса камидан Ўзбекистон спорт усталигига ёки Ўзбекистон гроссмейстерлигига номзод спорт разрядига эга бўлган абитуриентлар қабул қилинади. Бундай талабга тўғри келмайдиган абитуриентлар ҳужжат топшира олмайди.

Шунингдек, "Менежмент (жисмоний тарбия ва спорт менежменти)", "Менежмент (спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш)" ва "Маркетинг (спорт маркетинги)" бакалаврият таълим йўналишлари битирувчи талабаларнинг амалиёти яшаш ҳудудидаги маҳаллаларда тегишли спорт турлари бўйича оммавий спорт мусобақаларини ташкил

қилиш орқали амалга оширилади. Иқтидорли битирувчиларнинг битирув олди амалиёти уларни миллий терма жамоаларнинг хорижда ўтказиладиган ўқув-йиғин машғулотида ҳамда халқаро мусобақалар жараёнига жалб этиш орқали ташкил этилади.

Иқтидорли битирувчиларга спорт бўйича ҳакам ҳамда иккинчи тоифали тренер малака тоифасини белгилувчи гувоҳнома берилди.

Бундан ташқари, 2023/2024 ўқув йилидан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларида куйидагилар касбий (ижодий) кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинади ва уларга максимал балл берилди:

- Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи фахрий унвонига эга спортчилар;
- халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси ёки халқаро гроссмейстер спорт унвонига эга спортчилар;
- Ўзбекистон спорт устаси ёки Ўзбекистон гроссмейстер спорт унвонига эга спортчилар;
- Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Парасиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича республика чемпионларида охирги бир йилда голиб (1-ўрин) бўлган спортчилар.


Каттамингда катта корхона иш бошлади



Каттакўрғон туманидаги Каттаминг маҳалласида "Mobitex textile factories" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Корхона йилга 2 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Лойиҳамизнинг умумий қиймати 2,62 миллион АҚШ долларини ташкил қилади, - дейди МЧЖ раҳбари Алишер Раҳмонов. - Корхонамизга Германия, Япония ва Туркиянинг замонавий технологиялари ўрнатилди. Ҳозирги кунда 250 киши меҳнат қиламиз. Келгуси йил корхонамиз тўлиқ қувват билан иш бошлайди. Шунда 600 та доимий иш ўрни бўлади. Корхонамизда йилга 60 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Маҳсулотларни Россия ва Европа давлатларига экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.



Давлат хизматчиси ҳар ерда, ҳар томонлама намуна бўлиши керак

Жорий йилнинг 8 августда Президентимиз томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилувчи ва фаолиятини ягона қоидалар асосида тартибга солувчи "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонун имзоланди.

Қонунда давлат фуқаролик хизматчиларига қуйидаги талаб ва вазифалар қўйилмоқда. Яъни, раҳбарлик лавозимига тайинланган ҳар қандай шахс олий маълумотга ва давлат фуқаролик хизмати ҳамда эгаллаган мутахассислигига доир қонун ҳужжатларини қўллаш учун зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Шунингдек, давлат хизматчисидан хорижий тиллардан бирини мукаммал билиш, стратегик ва таҳлилий фикр юрита олиш, софлик ва адолатда ўрнак бўлиш, иш вақтидан самарали фойдаланиш, коррупция ҳолатларига қарши курашиш каби хислатлар талаб этилади.

Давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларга риоя этишларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан "Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари" тасдиқланди.

Албатта, ҳар бир давлат органи, ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти самарадорлиги уларда меҳнат

қилаётган ходимларнинг идоровий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишига боғлиқ. Энди ушбу намунавий қоидаларда давлат фуқаролик хизматчиларининг нафақат фаолияти доминидаги, балки ишдан ташқари вақтдаги ҳулқ-атворининг умумий қоидалари ҳам белгиланди. Жумладан, давлат хизматининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш, масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундан-кунга ширмаган, мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш давлат хизматчисининг муҳим фазилатлари сифатида кўрилади.

Давлат хизматчисининг фуқароларда давлатга нисбатан ишонч ҳамда ҳурмат ҳиссини уйғотиши, жамоада, оиласида соғлом муҳитни таъминлаш, оила аъзоларига доимий гамжўр бўлиши, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириши, фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳоли ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиши жамият равнақи ҳамда халқ манфаатларига хизмат қилади.

Ойбек ОҚБЎТАЕВ, вилоят молия бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

"Яшил қалқон"лар чанг-тўзондан сақлайди



Ижтимоий тармоқларда дунё шаҳарларидаги ифлосланиш ва ҳаво сифати индексини таҳлил қилувчи The World Air Quality Indexнинг энг йирик онлайн-мониторинг натижаларига кўра, жорий йилнинг 17 октябр кунини Тошкент ҳавоси ифлосланган шаҳарлар рейтингига биринчи ўринни эгаллагани тўғрисида хабарлар тарқалган эди. Орадан икки кун ўтиб ёққан кучли ёмғир туфайли пойтахтимизда атмосфера ҳавоси анча тозаланди. Бу ҳолат халқаро рейтингларда ҳам ўз аксини топди.

Чанг-тўзонлар вилоятимиз ҳудудида ҳам кўп кузатилади. Ушбу табиат ҳодисаси экологимизга ҳам, инсонлар саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, ўтган йили ноябрь ойида ҳеч кузатилмаган кум бўронлари содир бўлди. Эрон ва Афғонистон даштларидан кўтаришган қуюн вилоятимиз ҳудудига ҳам келган эди.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий табиий манба шамол эрозияси бўлиб, ер юзига атмосферадан йилга ўртача 4,6-8,3 миллиард тонна чанг зарралари тарқалади. Бу чангларнинг асосий ҳосил бўлиш жойлари ёгингарчилик кам бўладиган ҳудудлардаги чўл ва саҳролар ҳисобланади. Юртимизда бундай жойлар асосан, Орол денгизининг қуриган туби, Қорақум ва Қизилқум саҳролари ҳисобланади.

Чанг-тўзонларга ер юзидан яқин орада Қорадарё бўйидан ўтган бўлсангиз, дарё қирғоғида бир қатор махсус техникалар ишлайётганига кўзингиз тушган, албатта. Дарёнинг Самарқанд ва Оқдарё туманларини боғловчи кўприкнинг икки томонида дарё ёқалари шиббалашиб, бетон девор кўтарилмоқда. Бугунги кунда "Самарқанд махсус сув пудрат" МЧЖ, "Инвест Строй Қорақалпоқ" МЧЖ ва "Агромир Булдингс" МЧЖ томонидан Қорадарё ва Оқдарёнинг ўнг ва чап қирғоқларини тартибга келтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ҳар икки дарёнинг 1,5 километрдан қирғоқлари ландшафт дизайни асосида замонавий қурилиш воситалари билан мустаҳкамланяпти.

Шунингдек, энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш, технологик ва маънан эскирган корхоналарни реконструкция қилиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни амалиётга кенг татбиқ этиш орқали аτροφ-мухит мусоффолигини сақлаб қолиш мумкин.

Тўраҳон ҲОШИМОВ, вилоят экология ва аτροφ-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи.

иқлим ўзгаришлари сабаб бўляпти. Ёз фаслининг жазирамаси дарё ва ариқлар, қолаверса, ер ости сувлари ҳам бугунги кетишига, ёгингарчиликнинг камлиги ернинг қуруқлашишига, тупроқ ва чанг миқдори ошишига олиб келмоқда.

Ҳаво ифлосланишининг олдини олиш учун теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш, боғ ва гулзорлар яратиш, истироҳат боғлари, хиёбон, дарахтзор ҳамда ўрмонлар барпо қилиш лозим. Буларнинг ҳаммаси санитария-гигиена ва эстетик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, шаҳарнинг қурилиш-архитектура комплексига қўшилиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда жуда муҳим роль ўйнайди. Автомобиль йўллари четидан яшил ҳудудларни кенгайтириш, шаҳарлар атрофида "яшил қалқон"лар ташкил этиш керак.

Шунингдек, қирғоқда хавфсизлик талабларига асосан темир панжарлар ўрнатилмоқда. Йил якунигача мазкур объектларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Д. ТҲҲТАЕВ.

Оқдарё ва Қорадарё бўйлари обод бўляпти

Шунча масофада вело ва пиёдалар йўлакларини қуришмоқда. Дарёларда сув йўлига 3 тадан сунъий тўсиқлар қурилиб, дамба яратилаяпти.



Шунингдек, қирғоқда хавфсизлик талабларига асосан темир панжарлар ўрнатилмоқда. Йил якунигача мазкур объектларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Д. ТҲҲТАЕВ.

➤ Жамоат транспорти



Самарқандда трамвайлар муаммоси қачон ҳал этилади?

Самарқанд шаҳри аҳолиси трамвайлардан фойдаланишга ўрганиб қолди. Бироқ йўналишларнинг камлиги баъзида трамвай тез-тез бўзилиб, йўловчиларнинг таъбини хира қилаётганлиги ҳам бор гап. Турли гап-сўзларга ойдинлик киритиш мақсадида вилоят транспорт бошқармаси қошидаги Трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси директори Шерали Наматовга мурожаат қилдик.

Бугунги кунда юртимизда фақатгина Самарқанд шаҳрида трамвайлардан жамоат транспорти сифатида фойдаланиб келинмоқда, - дейди корхона раҳбари. - Президентимизнинг шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига сифатли йўловчи ташиш хизматини кўрсатиш мақсадида Тошкент шаҳридан трамвайларни келтиришни тақлиф этгач, 2017 йил февраль ойида хўжалик ҳисобидида "Трамвай линияларини эксплуатация қилиш дирекцияси" ташкил этилиб, 21 та трамвай вағони ва уларга хизмат кўрсатувчи 36 та махсус техника олиб келинди.

Корхона ишга тушгач, дастлаб 6,4 километр узунликда "Темирйўл вокзали - Сартепа массиви" ва 5,1 километр узунликдаги "Темирйўл вокзали - Сиёб бозори" йўналишлари ташкил этилди. Бироқ икки йил фаолият кўрсатгач, муаммолар чиқа бошлади. Жумладан, "Темирйўл вокзали - Сартепа массиви" йўналишида темирйўллар чўкиб, рельсларда нотекистиклар пайдо бўлган, трамвай вагонлари издан чиқиб кета бошлади. "Темирйўл вокзали - Сиёб бозори" йўналишида нимстанциянинг қуввати етишмади. Мазкур йўналишда туннель қурилиши жараёнида вақтинча узилган нимстанция қайта тиклаб берилмади. Шунингдек, реконструкция ишлари ҳам ниҳоятга етказилмай қолди. Юқори кучлиниши кабеллар фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келган. Йўналиш техник экспертизадан ўтказилмаганига сабабли тўлиқ фойдаланилмапти. Агар мавжуд камчиликлар бартараф этилса, қўшимча 8 та трамвай вағони аҳолига хизмат кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, трамвай депосидаги рельслар ва йўналтиригичлар стандартга жавоб бермаганлиги сабабли айрим ҳолларда вагонлар кўчада қолиб кетмоқда.

- Жорий йилнинг ўтган ўн ойида 2 миллион 425 минг нафар йўловчига 3 миллиард 396 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди, - дейди Шерали Наматов. - Бироқ бу маблағ кўзда тутилган харажатларни қоплашга ҳам етмаяпти. Вагонларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш цехлари қурилиши охирига етказилмаганлиги сабабли трамвайларни ювиб-тозалаш, техник хизмат кўрсатиш, қолаверса, Тошкент шаҳридаги устaxonаларда таъмирлаш келиш ортиқча харажатларни келтириб чиқармоқда. Асосийси, корхонада трамвай эҳтиёт қисмларини топиш муаммо бўляпти. Чунки уларни Чехиядан олиб келиш лозим. Узоқ йиллар фойдаланилгани сабаб айрим бутловчи ва эҳтиёт қисмлар хизмат муддатини ўтаб бўлган.

Самарқанд шаҳрида жамоат транспорти муаммосини ҳал қилишда ўзига хос аҳамиятга эга трамвайларга эътибор қаратилмади экан, Кимгарлар қўрғонига 11 километрлик ва Спитаменшоҳ кўчаси бўйлаб Чархин шаҳарчасига бўлган 13,4 километрлик масофага трамвай йўналишларини қуриб, аҳолига жамоат транспорти хизматини кўрсатиш анча қийин бўлади.

Дилмурод ТҲҲТАЕВ.

Интизомий жазо ходимни ишдан бўшатишга асос бўладими?

Кейинги вақтда фуқаролик ишлари бўйича судга ишчи-ходимлар томонидан бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ўз мажбуриятини бажармаётган иш берувчиларни қонуний жавобгарликка тортиш юзасидан мурожаатлар сони кўпайди. Бу биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошаётганидан далолат бўлса, иккинчидан, аксарият иш берувчиларнинг ҳамон вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашаётганини англатади. Келинг, бир ҳолат мисолида меҳнат шартномасининг иш берувчи томонидан бир томонлама бекор қилинишида йўл қўйилган қонунбузарликни кўриб чиқамиз.

Жорий йилнинг август ойида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига фуқаро Ш.Т. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси бошлигининг уни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғини бекор қилиш, ишга тиклаш, иш ҳақи ва етказилган маънавий зарарни ундиришни сўраб мурожаат қилди.

Очиқ суд мажлисида кўриб чиқилган ишда иш берувчи 2022 йилнинг 16 февралда ходими Ш.Т.дан иш вақтида спиртли ичимлик истеъмол қилганини ун тушунтириш хати олгани, шу йилнинг 12 апрель кунини, яъни орадан қарийб икки ой ўтиб

эса у билан меҳнат шартномасини айна тушунтириш хатини асос қилган ҳолда бекор қилгани маълум бўлди. Бунда ходимга ўз меҳнат вазифаларини қўпол равишда бузиш айби қўйилган. Ҳўш, қонун нуктаи назаридан бу тўғрими?

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра, ходимнинг ўз меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузганлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини билдиради. Бунда ходимнинг ўз меҳнат вазифасини бузиши қўпол тусга эгаллиги ёки эга эмаслиги ҳар бир му-

айян ҳолда содир қилинган ноҳўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда у сабабли келиб чиққан ёки чиқishi мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади. Шу маънода, иш берувчи ходимнинг иш вақтида спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини меҳнат вазифасини қўпол равишда бузиш дея баҳолади ҳам дейлик, лекин бу ерда масаланинг яна бир томони бор. Яъни, ташкилот раҳбари ходимни орадан икки ой ўтиб, ишдан бўшатган.

Меҳнат кодексининг 182-моддасида ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкинлиги белгилан-

ган. Шунингдек, интизомий жазо бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтинчи ҳисобга олмастан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилиши кўрсатилган. Демак, меҳнат ҳолатида ҳам даъвогарни биринчи айб билан ишдан бўшатиш қонунга зид ҳаракат.

Судда юқорида келтирилган ва қонунчиликда белгиланган бошқа тартиб ва талаблар эътиборга олинми, Ш.Т.нинг даъвоси қаноатлантирди. Шундай қилиб, иш берувчи уни ўз лавозимига тиклаши, мажбурий қолдирган иш кунлари, етказилган маънавий зарар учун белгиланган миқдорда пул маблағи тўлаб бериши бўйича қарор қабул қилинди.

Ахмаддоди ЖҲҲРАЕВ, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди судьяси.

► Орамиздаги одамлар

Маърифатдан ҳикмат излаб

Ҳаётини эзгу мақсадга бағишлаган Фарҳод Ализода 85 ёшни қарши олди

Яқинда Самарқандда маърифатпарвар олим, моҳир таржимон, миллий матбуотимиз шаклланишига катта ҳисса қўшган ижодкор Сайид Ризо Ализода таваллудининг 135 йиллиги кенг нишонланди. Аммо ҳозир маърифатпарвар хусусида эмас, балки оғир йилларда маърифат чирогини ёқа олган Сайид Ризонинг бой илмий меросини рўёбга чиқарган, асарларини тадқиқ этган набираси Фарҳод Ализода ҳақида гапирмоқчимиз.

Ф.Ализода 1937 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди. Мактабни битирган, Самарқанд давлат университетининг биология факультетига ўқишга кирди. Ўқишни битириб, ҳарбий хизматга жўнади.

- Армиядан келган, Озарбайжонга, Бокуда яшайдиган тоғамникига йўл олдим, - дейди Фарҳод ака. - Иброҳим тоғамникида 20-25 кун туриб, Каспий денгизиде нефть-газ қазадиган "ГРК в море" корхонасига ишга кирдим.

Фарҳод акадаги илм олишга чанқоқлик уни яна билим эгаллашга ундайди. Шунинг учун ишлаш билан бирга, Боку давлат университетига ўқишга кирди ва бу ерда геология мутахассислигини эгаллайди. Давр тақозоси билан талаба Каспий денгизиде 10 йилга яқин вақт меҳнат қилади. Маоши яхши, чунки денгизда нефть-газ қазиб чиқарадиган ишчиларга яхши ойлик бўлади, тобим йўқ, бобон ҳам шу совуқдан туберкулёз бўлиб, Владимир турмасида 58 ёшида вафот этган эди... Агар имконинг бўлса, Ватанга қайт.

- Хатни ўқиб, эртагаёқ Самарқандга отланишим кераклигини англадим, - дея хотирлайди Фарҳод ака. - Ўшанда 1971 йил эди. Она юртимга қайтиб, аввало, отамни даволатдим.

Сўнгра Курилиш вазирлигига қарашли "Промбурвод" трестиде фаолият бошладим, бир қатор вилотларда геология-қидирув ишларини назорат қилувчи муҳандис-геолог вазифасида меҳнат қилдим. 1980 йилдан бошлаб янги ташкил этилган "Самарқандградстрой" трестиде катта муҳандис, Темрийул тумани уй-жой трести бошқарувчиси сифатида озми-кўпми ишладим. Илми-маърифатга меҳрим бениҳоя катта бўлгани боис ўн йилдан зиёд вақт давомида вилот халқ таълими бошқармасида ҳам меҳнат қилдим.

Фарҳод Ализода умрининг тенг ярмини бобосининг ҳаёти ва фаолиятига оид манбаларни йиғишга, унинг номини юзага чиқаришга бағишлади. Бунинг учун Эрон, Озарбайжон, Покистон, Россиядаги кўплаб кутубхона ва музейларда бўлди. Бу қўҳна зиё масканларидан катта машаққат эвазига топиб келган қўлёмалари биргана Сайид Ризо Ализода эмас, балки бошқа алломаларимиз фаолиятини ўрганишда ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилди. Бобоси ва ўзи яшаган Сайид Ризо Ализода маҳалласидаги мўъжаз ҳовли унинг саъй-ҳаракати билан буюк маърифатпарварнинг уй-музейига айлантирилди.

Фарҳод Ализодининг яна бир эзгу иши - қатагон қилинганлар сақланган Россиянинг Владимир шаҳри турмаси архивдан бобоси Сайид Ризо Ализода ҳаётига оид жуда кўп ашёларни топиб келтирди. Бобоси қабрини топиб, унинг хокини Самарқанддаги "Панжоб" қабристонига қайта дафн қилди. Шунингдек, қатагон даврида Самарқанд турмаларидан бирида отилган турли миллат вакилларида иборат қарийб 100 нафар кишининг суяқ қолдиқларини топиб, ўша қабристонга қўйдирди. Айниқса, Сайид Ризо Ализода уй-музейининг ташкил қилиниши Фарҳод аканинг кўп йиллик машаққатли изланишлари ва бетиним меҳнати маҳсули бўлди.

- Бобомни оқлаш, пук номини юзага чиқариш, халқ учун қилган амалий ва ижодий ишларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш учун нимаки зарур бўлса, бажардим, - дейди Фарҳод ака. - Аллоҳга беҳисоб шуқур, йиллар давомида бу эзгу мақсадимга эришдим. Бугунги кунда бобом Сайид Ризо Ализода номи халқ учун қадрли. Таълим, тарбия, журналистика бўйича қолдирган мероси оммага наф беряпти.

Дарҳақиқат, бугун Фарҳод ака маърифатпарвар зиёли, миллат эрки учун жонини фидо қилган ҳадид бобомиз Сайид Ризо Ализодининг невараси сифатидагина эмас, у кишининг эзгу ишларини давом эттирган фидойи инсон сифатида ҳам самарқандликлар учун қадрли. Қолаверса, фаол жамоатчи, маърифат ва зиё тарқатувчи сифатида ҳам кўпчиликка ибрат бўлиб келмоқда.

Фарҳод ака бугун Самарқанд шаҳрининг Саид маҳалласида ўз ўрни, мавқеига эга инсон. Бир ўғил, икки нафар қизи ҳорижда яшасада, ҳаммиси тиргақ, кўмакчи. Шунинг учун ҳам Фарҳод Ализода ҳамон изланишда.

Эркин ХҲЖАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган иқтисодчи,
профессор.



катли изланишлари ва бетиним меҳнати маҳсули бўлди.

Фарҳод Ализодининг яна бир эзгу иши - қатагон қилинганлар сақланган Россиянинг Владимир шаҳри турмаси архивдан бобоси Сайид Ризо Ализода ҳаётига оид жуда кўп ашёларни топиб келтирди. Бобоси қабрини топиб, унинг хокини Самарқанддаги "Панжоб" қабристонига қайта дафн қилди. Шунингдек, қатагон даврида Самарқанд турмаларидан бирида отилган турли миллат вакилларида иборат қарийб 100 нафар кишининг суяқ қолдиқларини топиб, ўша қабристонга қўйдирди.

Айниқса, Сайид Ризо Ализода уй-музейининг ташкил қилиниши Фарҳод аканинг кўп йиллик машаққатли изланишлари ва бетиним меҳнати маҳсули бўлди.

Фарҳод ака бугун Самарқанд шаҳрининг Саид маҳалласида ўз ўрни, мавқеига эга инсон. Бир ўғил, икки нафар қизи ҳорижда яшасада, ҳаммиси тиргақ, кўмакчи. Шунинг учун ҳам Фарҳод Ализода ҳамон изланишда.

Фарҳод ака бугун Самарқанд шаҳрининг Саид маҳалласида ўз ўрни, мавқеига эга инсон. Бир ўғил, икки нафар қизи ҳорижда яшасада, ҳаммиси тиргақ, кўмакчи. Шунинг учун ҳам Фарҳод Ализода ҳамон изланишда.

Эркин ХҲЖАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган иқтисодчи,
профессор.

► Сўранг, жавоб берамиз

Рўйхатдан ўтказишда ҳақ ундирилмайди

Йўловчи ташиш хизмати (такси) билан шуғулланишим учун ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ органида рўйхатдан ўтишим керак экан. Унинг тартиби қандай?

Санжар ОРТИҚОВ.

Бунда албатта, ўзини ўзи банд қилган шахс томонидан махсус мо- бил илова ёки шахсий кабинет орқали электрон шаклда мустақил ра- вишда, давлат солиқ хизмати органига келганда эса солиқ органи хо- дими томонидан сўровнома тўлдирилади. Ўзини ўзи банд қилган жи- смоний шахснинг шахсий идентификация рақами, рўйхатдан ўтказиш элек- трон рақамли имзо орқали амалга оширилган ҳолатлар бундан мустас- но.

Сўровномада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғри- сида"ги қарорига илова билан тасдиқланган Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари, ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолиятини юритишнинг мўлжалланаётган манзили, ўзини ўзи банд қилган шахснинг мобил телефон рақами ва у билан боғланиш мумкин бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Шунингдек, сўровномада ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахс- нинг фамилияси, исми ва отасининг исми, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, яшаш манзили тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Рес- публикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базаларида мавжуд маълумотлар асосида автоматик тар- зада шакллантирилади.

Давлат солиқ хизмати органида ўзини ўзи банд қилган шахсга ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганини тўғри- сида матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлган маълумотнома берилади. Ўзини ўзи банд қилган шахсларга маълумотнома чекланмаган муд- датга берилади.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларни давлат солиқ хизмати органида рўйхатдан ўтказишда ҳақ ундирилмайди.

Саволга Ургут тумани адлия бўлими Давлат хизматлари мар- кази бош мутахассиси Рустам ИСМОИЛОВ жавоб берди.

Мурожаатлар билан ишловчи ходимлар малака оширади

марта амалга оширилади ва малака ошириш курсида ўқиш вақти 12 соатни ташкил этади. Малака ошириш таълим муассасаси ва унинг филиалларида, ходимларнинг иш жойида ўқитиш, масофавий таълим орқали ўқитиш каби шаклларида амалга оширилади. Курслар тўлов-шартнома асосида ташкил эти- лади. Малака ошириш яқини бўйича имтиҳон- дан муваффақиятли ўтган тингловчиларга ўқув курсининг номи ва ҳажми кўрсатилган ҳолда сертификат берилади.

Синов имтиҳонини топширмаган (суҳбат- дан ўтмаган) тингловчиға сертификат бери- лмайди. Бундай ҳолатда тингловчиға малака ошириш курсида қатнашганлиги тўғрисида маълумот берилади. Ўқиш даврида малака ошириш курслариға қабул қилинган тинглов- чиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинади.

Азамат НАРЗИКУЛОВ,
вилот молия бош бошқармаси
юридик бўлими бошлиғи.



Чорва моллари озуқаси билан тарқатилади

Оқдарё туманидаги "Pure milk Oqdaryo" фермер хўжалиги томонидан 6 миллиард 521 миллион сўм маблаг ҳисобига 2500 бош насли қорамол келтирилиб, 121 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Шунингдек, "Миришкор тажрибаси" асосида 17 та лидер тадбиркор томонидан 30 та маҳалладаги 280 та хонадонга 629 бош сўт ва гўшт йўналишидаги чорва моллари ҳамда 720 бош насли майда шохли моллар тарқатилади.

Мисол учун, Самарқанд туманидаги "Вермонт Люкс" МЧЖ томонидан Оқдарё туманида 20 хонадонга 69 бош, Самарқанд туманида 25 та хонадонга 100 бош гўшт йўналишидаги, тирик вазни 200-250 килограмм бўлган чорва моллари озуқа маҳсу- лотлари билан бирга тарқатилди.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодийда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшанмча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сонли қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Бино ва иншоотларнинг умумий эгаллаган майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нархи (сўм)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги мuddати
Собик кутубхона биноси	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	Булунгур тумани Булунгур МФЙ, Амир Темур кўчаси, 37-уй	0,0628	469,0	622 579 000	15.12.2022 й.	15.12.2022 й.

АУКЦИОНДА ҚАТНАШИШ ТАРТИБИ Тўғрисида:
Ушбу объектларни "E-IURO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режа- лаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари яқунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

АУКЦИОНДА ҚАТНАШИШ УЧУН АРИЗА БЕРИШ:
Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказилган аук- ционлар рўйхатидан ўзини қарор қилиш объектини танлаш ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос так- рорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилгани керак) ҳолда

аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим. Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзоланган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилган, иштирокчи- нинг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жа- воб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

АУКЦИОН ЖАРАЁНИ:
Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бош- ланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва парола- рини тегарган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимида қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади. Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралиди, иштирок этиш тас- диқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади. Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифини тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчилардан бири белги- ланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифини тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирилган ҳолда яқунла- нади. ЛОТ нархи бўйича таклифини охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион голиби деб то- пилади. Шундан сўнг иштирокчиға голиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи бил- лан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича голиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг голиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоти ҳудудий бошқармаси давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.
Маълумот учун телефонлар: 66-233-73-54, 91-537-32-12
Факс: 66-233-73-54
"Facebook" даги расмий хизмати: Sam Dav Aktiv
Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ДАВВОЛАР БўЛСА...
Ургут туманидаги "VATAK GIGANT SAVDO" масъулия- ти чекланган жамияти (СТИР: 301733320) ўз устав фон- дини 254 432 393 (икки юз эллик тўрт миллион тўрт юз ўлттиз икки миңг уч юз тўқсон уч) сўмдан 156 527 527 (бир юз эллик олти миллион беш юз йилгирма етти миңг беш юз йилгирма етти) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча дав- волар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.
Манзил: Ургут тумани Бойбул маҳалласи.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 28 январда 674508 реестр рақами билан рўйхат- га олинган "JYONAN STAFF BUSINESS XUSUSIY BANDLIK AGENTLIGI" масъулияти чекланган жамияти қўшма кор- хонаси (қисқартирилган номи: "JYONAN STAFF BUSINESS XUSUSIY BANDLIK AGENTLIGI" МЧЖ ҚК) Самарқанд ша- ҳар иқтисодий судининг 2022 йил 8 ноябрдаги 4-1401- 2204/3309-сонли ҳал қилув қарорига асосан тугатилди. Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой даво-

мида қабул қилинади.
Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республи- каси Самарқанд вилоти Самарқанд шаҳри, Ҳўжа Ахро- ри Вали кўчаси, 21-уй.
Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификация- он рақами (СТИР): 306043582.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғул- ланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфиidin- нувчи нотариал идорасида марҳум Аслиев Ботурбой Юсуповичга (2021 йил 18 августда вафот этган) тегиш- ли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Рамзиддин Сайфиidin- нувчи нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 80-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғул- ланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нота- риал идорасида марҳум Маматова Левиса Саидовнага (2020 йил 3 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нота- риал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Булунгур туманида хусусий амалиёт билан шуғул- ланувчи нотариус Абдурахмонов Элёр Жамшидович нота- риал идорасида марҳум Хайдаров Қодир Хабибуллаев- ичга (2020 йил 28 декабрда вафот этган) тегишли мол- мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Абдурахмонов Элёр Жамшидович нота- риал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Булунгур шаҳри Мустақиллик майдони.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғул- ланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нота- риал идорасида марҳум Джамалов Самига (2022 йил 14 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун ме- рос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар- нинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идора- сига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғул- ланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўрақуловна нота- ри-

ал идорасида марҳум Анорбаев Хамид Хамзаевичга (2021 йил 1 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун ме- рос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар- нинг Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани Зебунисо кўчаси, 4-"А" уй.
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилоти бўйича ҳудудий бошқармасидан 1995 йил 22 сентябрда "Ором" жамоа корхонасига қарашли 2 рақамли савдо шохоба- си мулки учун Мухторов Абдусалд Нуманович номига берилган 1055-сонли мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи дав- лат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси- нинг Самарқанд вилоти кенгаши ҳамда барча тар- моқ касаба уюшма кенгашлари жамоалари вилот ҳокимлиги котибияти мудирини Обид Умировга ама- киси
Зиёдулла УМИРОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Ажрашиш - болалар кўзларида



Оилалар ажрашиб кетаётгани ҳақида кўп айтилди, ёзилди. Унинг оқибатлари, сабаблари ҳақида ўқиямиз, кузатамиз. Лекин ота-онаси бўла туриб, етим қолаётган фарзандларнинг тақдирини нима бўлади? Уларнинг қалбида қанақа ҳис-туйғулар бор? Афсуски, ҳеч ким уларнинг фикри билан қизиқмайди. Келинг, шу юзасидан айрим қаҳрамонларимизнинг қалбига кулоқ тутамиз. Уларнинг бу борадаги ички тугёнлари қанақа?

Менга дадамнинг келиб табриклаши, у кишини кўришим ҳар қандай совгадан афзал эди. Дадам билан ўтказган ҳар лаҳза мен учун унутилмас онлар эди. Тугилган куним яқинлашган сари ўша кунни интиқ бўлиб кутардим. Ўша кун дадам билан бирга кўпроқ вақт ўтказардим. Лекин афсус, ўша йили келмади...

Мақтаб тадбирларида фаол қатнашганимда, фахрий ёрлик билан тақдирланганимда ҳамма тенгдошларимники каби менинг ҳам ота-онам ёнимда туришини жуда хоҳлагандим. Аммо улар ҳатто гапимни охиригача эшитмаган вақтлар ҳам бўлган. Онам бошқа юртда. Тенкурларимга фахрий ёрлик топширилганда, оналарининг олдига югуриб боришарди. Улар фарзандларини кучоқлаб, табриклашарди. Мен кўлимга фахрий ёрлик олганимда, кимнинг ёнига боришни билмасдим, катта залдан аям билан дадамни излардим. Барча тадбирларда ота-онамнинг ўзим қатнашдим.

Отасизликка кўникдим. Аммо дадамнинг меҳрига жуда муҳтож бўламан.

Фарзандларига нарса олиб келгани, мен ҳам боласиман-ку, деб ўқиниб кўяман. Эрталаб дадамни иккинчи хотини ишга кузатиб кўйганда, қанийди шу аёлнинг ўрнида менинг онам бўлсайди, деб хаёл қиламан.

Бир сафар иситма қилганимда онам дадамдан машинасида шифонага олиб боришини илтимос қилган. Дадам иложим йўқ, қизимнинг мажлисига боришим керак, деб рад этган. Дадам мактабдаги биронта мажлисига бормаган, доим онам борадилар. Мақтабда кўнгилсиз воқеа бўлса ҳам онам борадилар. Дўстларимнинг оталари келиб, фарзанди тарафини олади, мен айбисиз айбдор бўлиб қолавераман. Шунақа вазиятларда дадамнинг ўрни роса билинади, қанийди менинг ҳам дадам келиб, ҳимоя қилса, дейман.

Айрим дўстларимнинг ота-онаси менинг ота-онам каби ажрашишган. Лекин дадам олиш кунлари дадаси келиб, ўз уйига олиб кетар экан. Дадаси билан бирга айлинишга чиқишар, бирга овқатланишар, бир-икки кеча дадасининг уйида меҳмон бўлар экан. Душанба куни дадаси мактабга олиб келиб кўяди. Дўстим бошқача кайфиятда, хурсанд бўлиб келади. Ўша вақтлари дўстимга жуда ҳам ҳавас қиламан. Қанийди мен ҳам дадам билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашсам, ахир менинг юрагимда дадамга айта олмаган 15 йиллик гаплар ётибди. Ўйлаб қоламан, агар кўшни бўлмаганимизда, дадам мени уйларига олиб кетармики?

"ОНАМ КУЛГУСИ"

Эсимни таниганимдан буён дадамнинг ичмаган кунни йўқ. Оилада икки фарзандимиз - акам ва мен. Болалигимда дадам уйга ичиб келсалар, акам билан кўриб, бекимиз олардик. Ойимнинг йиғлаганларини эшитиб, баттар кўрқардик. Эрталаб бувимникига борардик, бобом билан бувим аямаг доим насиҳат қилишар, икки кундан сўнг бизни уйимизга ўзлари олиб келиб кўярдилар. Бизга қолса, бувимнинг уйи яхши эди, у ерда хоҳлаган нарса-самизни ер эдик, ўйнаб юрардик, у ерда ҳеч ким уришмас эди.



Дадамнинг топгани ичишидан ортагани учун амаким онамга иш топиб берди. Онам ишга киргач, ҳаётимиз биров ўзгарди, лекин дадам ичиб келиб, жанжал қилиши ҳеч қанда қилмас эди. Онам бобомларникига кетиб қолар, ажрашаман деса, бувим кўнмас, сабр қил, деб бизни яна ўз уйимизга олиб келиб кўярди. Бир сафар уйимизда катта жанжал бўлди, шу воқеадан сўнг онам ижарага уй топиб, бизни олиб чиқиб кетди.

Бошида онам бизга кўрсатмай, кўп йилларди. Биз ҳам дадамизни роса соғинардик. Лекин олдинги ҳаётимиздан анча яхши эди. Тоғам бизни ўз уйига олиб кетиш учун кўп ҳаракат қилди. Лекин онам борма-

ди, чунки бувим яна уйимизга олиб боришидан кўрқарди. Дадам яшаш манзилимизга топиб, бизни кўргани тез-тез келиб турарди. Олти ойлардан сўнг бобом билан дадам келиб, бизни ўз уйларига олиб кетишди. Акам мактабни тугатиб, олий ўқув юртига ўқишга кирди, биз ҳам янги уй олиб, кўчиб чиқдик. Аям қийин бўлса ҳам икки жойда ишларди. Акам ўқишни тугатиб, ишламоқда. Биз энди улғайиб қолганимиз учун акам билан дадамни кўргани ўзимиз бориб тураемиз. Онам шунча қийналса-да, ҳеч қачон дадам ҳақида бизга ёмон гапирмаганлар. Аксинча, яхши фазилатларини айтиб, бизда меҳр уйғотишга ҳаракат қилардилар. "Агар ичкиликни ташласа эди, дадам билан яшардик, сизларнинг отасиз ўсишларингизни истамасдим", дейдилар доим.

"14 ЁШИМДА ИЛК БОРА ДАДА", ДЕДИМ"


Айтишларича, ота-онам чақалоқлигимда ажрашиб кетишган. 7 ёшлигимда аям мени холамга ташлаб, чет элга ишлаш учун кетган. Онам билан доим телефонда гаплашиб тураман. Ўтган йили тўсатдан холам вафот этди. Ўзимни ҳаётда ёлғиз ҳис қила бошладим. Холам менга ҳам ота, ҳам она бўлган экан. Кўнглим ярим бўлиб, воғна етдим. Дадам билан аямни соғинардим, лекин буни сира холамга сездирмаганман. Болалигимда дадам билан танишишга қизиққанман. Доим хаёлан у киши билан гаплашардим.

Яқинда дадамни излаб топдим. Дадам мени илиқ кутиб олдилар. Учрашувдан роса қувондим. Энг муҳими, энди менинг ҳам дадам бор, менда суратлари бор, ҳар замон суҳбатлашиб тураемиз. 14 ёшимда илк бора "ДАДА", деган сўзни ишлатдим, юрагим ҳалқириб, ўзимни бахтиёр ҳис қилдим.

Бир кун мактабда дўстим билан гап талашиб қолдик. У "Менинг суянадиған ота-онам бор, сенинг киминг бор, ота-онанг ташлаб кетган-ку", деди.

Ота-онам ташлаб кетса, менинг айбим нима? Онам бутунлай ташлаб кетмаган, тез орада қайтади чет

18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



Шарифа Давронова: Байроғимиз ҳеч қачон пастга тушмаслиги учун ҳаракатдан тўхтамайман

Ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, ўтмиши ва бугунини билдирувчи ўзига хос белгилари бўлади. Давлат рамзлари - байроқ, герб, мадҳиямизда ана шу буюк ўтмиш ва юксак маданиятга эга бўлган халқимизнинг шон-шарафи, гурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва келажак сари интилишлари мужассам.

Байроқни кўрган, уни кўтарган киши қалбида ўзгача гурур ва ифтихор пайдо бўлади. Айниқса, байроғимизнинг турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро

микёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида ҳилпираб туриши шу юрт фуқароларида фахр уйғотади.

Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпиони, самарқандлик 16 ёшли спортчи Шарифа Давронова ҳам жаҳон чемпионатида чемпион бўлди. Халқаро майдонда голиб бўлиш қалбимни ифтихорга, чексиз гурурга тўлдирди. Байроғимиз ҳеч қачон пастга тушмаслигини хоҳлайман. Бунинг учун эса ҳаракатдан, интилишдан тўхтамайман.

Ф.РЎЗИБОВЕВ.

Соҳибқирон сипоҳийларига туғ ва ноғора инъом қилган

Миллий рамзлар инсонлар учун ор-номус, шон-шараф саналади. Шайх Нажмиддин Куброний мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган жасоратини тарихдан яхши биламиз. Бу буюк қаҳрамонлик асрларки, халқимиз тилидан тушмай келади.

Эртага миллий давлатчилигимиз рамзларидан бири - Ўзбекистон Республикасининг "Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлигига 31 йил тўлади. Байроқ халқаро майдонда мамлакатимизнинг куч-қудрати, мустақиллигимизнинг жаҳонга ифодаси, миллатимиз тинчликдир.

Буюк саркарда Амир Темурнинг шонли юришларида байроқни паст тутуш ёки сарбознинг қўлидан тушиб кетиши ҳосиятсиз саналган. Бунга Соҳибқирон бобомиз алоҳида эътибор берган. Байроқнинг псайтирилиши мағлубият ва орта чеки-

ниш ишораси бўлган. "Темур тузуқлари"да таъкидланишича, шижоат ва мardлик кўрсатиб, душман устидан галаба қозонган амирлар ва сипоҳийларга давлат тинчликлари - туғ ва ноғора инъом қилинган. Бу темурийлар давлатида салтанат рамзлари нечоғлик банд мақом тутгани ва улар қандай катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этганидан далолат беради.

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи муқаддас белгидир. У халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, тинч ва оқойишта ҳаётимиз, ёруғ келажакимизга бўлган ишончимиз ифодасидир.

Интизор МАННОБОВА,
Ўзбекистон-Финляндия педагогика институтини талабаси.

Китобингизни ўқидим

Ҳорманг, устоз Исмаил Санаев!

Сиз ижод қилиб чарчамаяпсиз, биз эса ўқишга улгурмаяпмиз

Тўғри, гапимнинг ярми ҳазил, ярми чин, лекин бор гап. Ҳар йили битта янги китоб чиқараяпсиз. Гап китобда эмас, бу асарлар бир кунда ёки 2-3 ойда пайдо бўлмайди, барчаси машаққатли тадқиқотлар натижаси, барчаси беором ижод маҳсули. Пойтахтда ҳам Сиз каби сермахсул адиблар унча кўп эмас. Айрим ношудлар ҳаётдаги арзимас муаммони ижтимоий тармоққа уввос солиб "реклама" қилаётган бир пайтда Сиз олис Зиёвуддин ёки Хайрбодда туриб, кечаю кундуз илм, ижод билан бандсиз. Тагин бошқалар кўли етмаган мавзуларда ёзасиз, тадқиқот олиб борасиз.

Гарчи, ёзаётганингиздан анча олдин хабардор бўлсам-да, Фафур Гулом номидаги нашриётдан чиққан "Зулусонайн Раҳимбобо Машраб" китобингиз кўлимга тушди. Очиги, мено моҳиятини профессор Эркин Мусурмоннинг унга киритилган мақоласичалик таъриф эта олмайман. Аммо шу китоб баҳонасида унинг ва умуман, ижодингизнинг ибрати хусусида айрим хулосаларимни айтиб ўтмоқчиман:

Биринчидан, на мамлакат, на вилоят марказида яшамасдан, қишлоқда туриб ҳам илм ва ижод билан бийонидек шугулланиш мумкинлигини амалда кўрсатиб турибсиз. Айрим таниқли ижодкорларга ўхшаб танлов ёки саналарга бағишлаб китоб ёзмайсиз ва чиқармайсиз.

Иккинчидан, манбалардан фойдаланиш учун 60 ёшдан кейин 2-3 тилни ўргандингиз. Китоб ўқиш билан китоб ёзишни режали олиб бораёпсиз. Бунинг устига, бирор марта китобларингизни рекла-

ма қилганингизни кўрмадим.



Учинчидан, адабиётшунослиқда соҳанинг айрим вакиллари ҳафсала қила олмай турган мавзуларда тадқиқотлар қилдингиз. Мен "Сўз суйдурган сеҳр" (2016 й. туюқ жанри тарихи ва янги туюқлар), "Имога илҳақ назокат" (2017 й. муаммо жанри хусусида), "Бобур, ана рубоб" (2019 й. матлубот жанри), "Равзаи асрор" (2020 й. Мирза Олим Девона асари тадбири), "Ана қизик, ана" (2022 й. палиндром жанри хусусида) китобларингизни назарда тутяпман. Бу асарларнинг айримлари рус, турк, инглиз, италян ва ҳинд тилларида чоп этилгани ҳам бежиз эмас.

Тўртинчидан, шунча тадқиқотдан ортиб, яхшигина лирик шеърлар ва газалар ёзиб турибсиз. Энди бевоқиф янги китобингиз хусусида. Аввало, бу савобли юмушни устозингиз, устозимиз Ботурхон Валихўжаев хотирасига бағишлаб тўғри қилибсиз. Бу комил инсон сабоқлари, тарбияси, ибрати олдидаги қарзни узишга интилишингиз бошқаларга намуна бўлишини истайман.

Китобдаги тадқиқотга қўйилган кичик сарлавҳалар унинг кўлами, машаққати нечоғлик эканини кўрсатиб турибди: "Машраб тарихий шахси ёки тўқими?" "Машрабни ким кўрган?" "Машрабнинг исми Раҳимбобони ёки Бобораҳимми?" "Зулусонайн шоир".

Хуллас, устоз, янги китоб ёзиб табриклайман. Ижода барака!

Фармон ТОШЕВ.



Ҳаётимнинг энг унутилмас кунинда ёнимда бўлмагани учун дадам билан аямдан хафа бўлдим. Улар жуда кўп жанжаллашиб қолар, шундай пайтларда ўзимни қаёққа уришни билмасдим. Бироқ мен уларни жуда яхши кўрадим. Орадан вақт ўтди, мен улғая бошладим. Бувимларникига, аямнинг онасининг уйига тез-тез кетиб қолардик, негадир. Аввалига, нега бундай бўлаётганини тушунмасдим. Кейин билдим. Бир кун аям: "Қизим, катта қиз бўлиб қолдинг, биласанми, сенга буни айтишим лозим, биз даданг билан ажрашдик", деди. Кун бўйи йиғладим. Наҳотки, энди дадамни ҳар кун кўра олмасам деб. Энди бир уйда яшамасак, бирга овқатланмасак.

Мен оиламиз қачонлардир тикланишига ишонардим, умид қилардим. Лекин ҳаммаси бошқача бўлиб кетди. Ота-онамнинг фахри бўлишга астойдил ҳаракат қилардим.

Бир кун яна бир ноҳус хабар эшитдим. Даданг уйланибди, деб айтишди. Қанийди, қулоғим эшитмасам, билмасам эди. Тонггача йиғлаб чиқдим. Энди дадам бизни бувимникидан олиб кетмайди. Наҳотки, биздан шунчалик тез воз кечди. Дарслардан совуб кетдим, томоғимдан овқат ўтмай қолди. Онам ҳам бу дардга чидолмади шекилли, мени бувимга ташлаб, чет давлатга ишлагани кетди. Дадам менинг ҳамма нарсам эди, мен гўё бир бўлагимдан айрилгандек эдим. Дадамга бўлган ҳурматим, туйғуларим, севгим - ҳаммаси нафратга айланди.

Орадан бир йил ўтди, дадам қизли бўлибди, деб эшитдим. Энди дадамнинг ягона, эрка қизим эмасди. Ўша йили дадам туғилган кунимга келмаган эди. Нега келмаганининг сабабини билгандек эдим.

MATBUOT UYI
Zarafshon
С АМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 371 nusxada chop etildi. Buyurtma 749. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchesi muharrir: A.SHERXOLOV.

Navbatchesi: O'.XUDOYBERDIYEV.

Sahifalovchi: A.AMINOV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 772010 667009
Sotuvda naxri kelishilgan holda